

1-масала

“2012-2013 ўқув йили яқунлари ва 2013-2014 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 20 ноябр 2/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “2012-2013 ўқув йили яқунлари ва 2013-2014 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришга оид Фармон ва қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2012-2013 ўқув йилида институтда маълум ишлар амалга оширилди.

Ватанпарварлик, мафкуравий – ҳуқуқий тарбия, соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш ва жисмоний тарбия, ёшларни касб маънавияти ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, миллий байрамлар ва буюк аждодлар таваллудини нишонлаш мавзуларида **50 дан зиёд** давра суҳбатлари, учрашувлар, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва ота-оналар иштирокида **20 га яқин тадбирлар ўтказилди.**

Ўтган 2012-2013 ўқув йилида **23 та** бакалавр таълим йўналишлари ва **11 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилди.

Институтда ўқув жараёнини ташкил этиш институтнинг **4 та** факультети ва **26 та** кафедралари томонидан амалга оширилди.

Ўтган ҳисобот йилида талабалар контингенти **3298 нафарни** ташкил этиб, шундан **3206 нафари** бакалаврият, **92 нафари** магистратура талабалари.

Профессор-ўқитувчилар **328.5 штат** бирлигини ташкил этиб, **389 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шу жумладан илмий унвон ва илмий даражали профессор-ўқитувчилар **134 нафарни**, яъни илмий салоҳият **40,5 %** ни ташкил этади. Бу кўрсаткич охириги йилларда **камайиш тенденциясини олган.**

2013 йилнинг 19-20 апрел кунлари “*Материаллар, конструкциялар, грунтлар механикаси ва реологик мураккаб системаларнинг долзарб муаммолари*” мавзусида халқаро илмий-техник конференцияси ўтказилди.

АЛ ва КХК ларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган ҳисобот даврида **6 та ўқув қўлланма** тайёрланиб Ўрта махсус касб-хунар таълим Марказининг “Янги авлод дарсликлари ва қўлланмаларини яратиш ва улар билан таъминлашни ташкил этиш” бўлимига тақдим этилди.

2013 йилнинг 9 оyi давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **3 млрд 886 млн сўм** молиялаштирилди, шу жумладан бюджет ҳисобидан **3 млрд 843 млн сўм** ва давлат бюджети ҳисобидан бажариладиган илмий ишлар ҳисобидан 43 млн сўм.

Маънавий эскирган ўқув мебелларининг бир қисмини алмаштириш; институт малака ошириш факультети ҳамда чоп этиш цехининг моддий техника базасини яхшилаш; бир компьютерга тўғри келадиган талабалар сони нисбатини меъёр даражасига етказиш; “Тилларни ўрганиш” кафедраси ўқув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация, техник воситалар ва анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ривожлантириш жамғармаси”дан институтга **400 млн сўм** маблағ ажратилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “2012-2013 ўқув йили яқунлари ва 2013-2014 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Институтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг “**Одоб ахлоқ қондалари**”га тўлиғича амал қилишларига эришилсин. **Масуллаб:** Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, Факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
3. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида **ҳар чоракда** турли спорт мусобақаларини ташкил этилсин. **Масуллаб:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва “Жисмоний тарбия” кафедралар мудирлари **Ш.Я.Хусайинов**.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 3434-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли қарорида белгиланган вазифалар факультет ва кафедраларда ўз вақтида башарилиши таъминлансин. **Масуллаб:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва кафедра мудирлари.
5. Ҳар бир кафедра ўқув жараёнида дарсларни замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиб, институтдаги мавжуд видео проекторлар, электрон доскалар ва компьютер технологияларидан максимал даражада фойдаланилсин. **Масуллаб:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ш.А.Бўрибоев**, факультет деканлари, кафедра мудирлари. **Муддат:** Ўқув йили давомида.
6. 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир факультетдан камида биттадан битирувчининг битирув малакавий ишларини хорижий тилларнинг (*инглиз, немис ва француз тили*) бирида ҳимоя қилиниши йўлга қўйилсин. **Масуллаб:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ш.А.Бўрибоев**, факультет деканлари, “Тилларни ўрганиш” кафедраси мудирлари **Д.Э.Мансурова**. **Муддат:** 2014 йил июль ойигача.
7. Мутахассис чиқарувчи кафедралар ҳамкорлигида 2013-2014 ўқув йилида давлат бюджети ҳисобидан ўқиган битирувчиларнинг барчаси иш ўринлари билан таъминланишига эришилсин. **Масуллаб:** Факультет деканлари, махсус кафедра мудирлари, Маркетинг хизмати бўлими. **Муддат:** 2014 йил август ойигача.
8. АЛ ва КХКлари ўқитувчиларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар бир кафедра камида биттадан ўрта махсус таълим муассасаси ўқитувчисини институтда бажарилаётган илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларига жалб этсин. **Масуллаб:** АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев** ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
9. Мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан Давлат илмий-техник дастурлари грантларида ва танловларида ёш олимлар иштирокини таъминлансин, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтирилсин. **Масуллаб:** Илмий ишлар бўйича проректор, махсус кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
10. Институт биноларида олиб борилаётган капитал таъмирлаш ишлари 2013-2014 ўқув йилида ҳам режа бўйича давом эттирилсин. **Масуллаб:** Молия ва иқтисодиёт ишлари проректори **Б.Қ.Абдусаматов**.
11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш барча соҳалар бўйича проректорлар зиммаларига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

2 – масала

“2012-2013 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2013 йил 20 ноябр 1/1-сонли қарори

“2012-2013 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2012-2013 йилининг баҳорги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига асосан институтда ректорнинг 2010 йил 6-сентябрдаги 93-у сонли буйруғи билан тасдиқланган **«Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом**и асосида амалга оширилди. Семестр давомида жорий, оралиқ назоратлари ўтказиб борилди.

Яқуний назоратларни ҳолисона, адолатли ўтказиш мақсадида институтнинг назорат ва мониторинг бўлими ҳамда ўқув бўлими ходимлари томонидан ўқув ишлари проректори бошчилигида комиссия ташкил этилиб, талабаларнинг яқуний назорати кафедра мудирлари бошчилигида баҳоланди.

Институтда жами **3076** нафар талабаларнинг **2387** нафари (қайта топширишларсиз) рейтинг назоратларни топширишди. Бу жами талабаларнинг **77.6 %** ни ташкил этади. Улардан **1223** нафари **4-5** баҳоларга (71 баллдан юқори тўплаган) топширди. Бу кўрсаткич **39.7 %**ни ташкил этади.

Қайта топширишлардан сўнг ўзлаштирганлар сони **674** нафарни ташкил этди.

Баҳорги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши жами **3076 нафар** талабадан **3042 тани** ташкил этди. Жами **34 нафар** талабадан **20 нафар** талаба 55 баллдан кам балл тўплаганлар, **4 нафар** талаба ўз хохишига кўра, **5 нафар** талаба 74 соатдан кўп дарс қолдирганлар, **5 нафар** талаба контракт пулини тўламаганлиги сабабли **талабалар сафидан чиқарилган**.

Баҳорги семестр якуни бўйича асосий статистик кўрсаткичларни ўқув йиллари бўйича таққосласак қуйидаги жадвалдаги сонларни кўрамиз, яъни

т/р	Рейтинг балл	Баҳорги семестр		изох
		2011-2012 ўқув йили	2012-2013 ўқув йили	
1	86<R<100, балл тўплаганлар сони	10,7	11,8	+1,1
2	71<R<85	27,4	27,9	+0.5
3	Фақат 55 <	59,1	59	-0.1
4	Ўзлаштириш	97,2	98.7	+1.5

Бу жадвалдан кўриниб турибдики 55 дан кўп балл тўплаган талабалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,2 %**га камайган. 86 баллдан юқори балл тўплаганлар сони ўтган йилга нисбатан **1,2 %**га кўпайган. 71 баллдан юқори балл тўплаганлар сони **2,6%** га кўпайди.

Бу жадвалдан кўриниб турибдики 55 дан кўп балл тўплаган талабалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **0.3 %** га камайган.

86 баллдан юқори балл тўплаганлар сони ўтган йилга нисбатан **1,1 %** га кўпайган. 71 баллдан юқори балл тўплаганлар сони **0.5%** га кўпайди.

Институт бўйича умумий ўзлаштириш **1.3 % га** кўпайиб **98.5 % ни** ташкил этди. Умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари факультетлар миқёсида қуйидагича (*қайта топширишлар билан биргаликда*):

Т/Р	Факультетлар	2011-2012 ўқув йили (%)	2012-2013 ўқув йили (%)	Фарқи (%)
1	Архитектура	97,3	98.6	+1,3
2	Қурилиш	94,7	97.8	+3,1
3	МКҚ	97,6	99.6	+2,0
4	Қурилишни бошқариш	96,5	98.1	+1,6
Институт бўйича жами		97,2	98.7	+1,5

Ҳамма факультетлар бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари ўсиши кузатилиб, ўтган ўқув йилига нисбатан барча факультетларда ўсиш мавжуд.

Кузатишлар натижаси бўйича энг кам кўрсаткични “Архитектура” факультети берди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади.

1. “**2012-2013 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида**”ги масала юзасидан ўқув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашевнинг** ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий баҳолансин.
2. Давомати паст бўлган гуруҳларнинг давоматини кўтариш учун жиддий чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва унинг ижроси бўйича факультет деканлари томонидан ректорат йиғилишларида ахборот бериб борилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, ички назорат ва мониторинг бўлими, гуруҳ мурабийлари ва магистратура бўлими. **Муддати:** Ўқув йили давомида
3. “Қурилиш” ва “Архитектура” факультетлари талабаларининг (қайта топширишларсиз) ўзлаштириш кўрсаткичлари пастлиги сабаблари ва шу жумладан талабаларнинг фанларни ўз вақтида (қайта топширишларсиз) ўзлаштириши 50% дан паст бўлган фанлар руйхати аниқланилиб, ҳар бир кафедра кесимида бу масала факультет ва кафедра мажлисларида атрофлича ўрганилиб чиқилсин ва уни яхшилаш чора-тадбирлари белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 20 кун
4. Баҳорги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши барча факультетлар Илмий кенгашларида таҳлил қилинсин ва таълим сифати яхшилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2013 йил 1 декабр гача.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 223-сон қарори бўйича институтда қилинадиган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2013 йил 20 ноябр 1/2-сонли қарори

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 223-сон қарори бўйича институтда қилинадиган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан “Архитектура” факультети декани **М.М.Абдураимовнинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини янада ривожлантириш, кишлоқлараро ҳудудларни архитектуравий-бадий қиёфасини яхшилаш, ландшафт дизайни мутахассисларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг 13 августда “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 223-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ОЎМТМнинг 2013 йил 15 августда 301-сонли буйруғи, шунингдек, институтнинг 2013 йилнинг 2-октябрида 287-у-сонли ички буйруғи ҳам ишлаб чиқилди.

Институтнинг ички буйруғи бўйича “Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастури”ни бажариш **чора-тадбирлар режаси** тайёрланиб, керакли вазифалар масъул шахсларга тақсимланиб берилди.

Бундан ташқари, “Архитектура” факультети декани **М.М.Абдураимов** раҳбарлигида “Дизайн” кафедраси мудирини **Ш.Х.Тугизов**, “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мудирини **Т.Ф.Қушманов**, Халқаро алоқа бўлими бошлиғи **Д.М.Мамараимов**, Маркетинг хизмати бўлими бошлиғи **М.У.Саримсоқов**, илмий котиб **Р.Т.Эшмаматов** ҳамда соҳа бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар таркибидан иборат **Ишчи гуруҳи** тузилиб, уларнинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу чора-тадбирлар доирасида 5150900 – Дизайн (Ландшафт дизайни) ва 5150900 – Дизайн (Интерьер дизайни) таълим йўналишлари бўйича **ўқув режалари ишлаб чиқилди.**

Шунингдек, янгидан ташкил этиладиган “Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедрасининг янги профессор-ўқитувчилари таркиби ҳам ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитаси ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда СамДАҚИ негизида ландшафт дизайни бўйича макет ва керамика устахоналари, шунингдек технопарклар ташкил этиш, уларни қуриш учун 1,0 гектар қўшимча ер участкаси ажратиш вазифасини ҳам қўйилган эди. Бу бўйича 2013 йилнинг 17 октябрида ҳозирги кунда институт ҳудуди ёнидаги бўш ва фойдаланилмай турган жойдан ер участкасини ажратилишини сўраб Самарқанд шаҳар ҳокимлигига СамДАҚИнинг 702/1 рақамли хати юборилган.

Янгидан очиладиган ушбу “Ландшафт дизайни” таълим йўналиши ва мутахассислиги профессор-ўқитувчиларини **хорижий мамлакатларда малака оширишини**, шунингдек СамДАҚИ талабаларининг архитектура ва ландшафт

Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни кўришдан олдин сўз илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**га берилди.

I. Иқтидорли талабалар орасидан номдор стипендияларга номзодларни тавсия этиш тўғрисида.

Эшитилди:

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2008 йил 31-октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган **“Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендиясига 2013-2014 ўқув йили учун қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:

1. “Архитектура” факультетидан “Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш” таълим йўналиши 302–ҚҲАЛТЭ гуруҳ талабаси **Есбергенов Бегзод Ержанович**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиши 401-КТ(БвайК) гуруҳ талабаси **Рахматова Дилнура**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Касбий таълим (Ер тузиш ва ер кадастри)” таълим йўналиши 401–КТ(ЕТваЕК) гуруҳ талабаси **Тангилова Назокат Қаюмовна**;
4. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Муҳандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 301–КТ(МКК) гуруҳ талабаси **Нурманова Махфуза Ўразовна**.

Ушбу масала бўйича факультет деканлари сўзга чиқиб, номзодлар тўғрисида ижобий фикрлар билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2008 йил 31 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган **“Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулев номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ 2013-2014 ўқув йили учун ушбу стипендияга қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансин:

1. “Архитектура” факультетидан “Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш” таълим йўналиши 302–ҚҲАЛТЭ гуруҳ талабаси **Есбергенов Бегзод Ержанович**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиши 401-КТ(БвайК) гуруҳ талабаси **Рахматова Дилнура**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Касбий таълим (Ер тузиш ва ер кадастри)” таълим йўналиши 401–КТ(ЕТваЕК) гуруҳ талабаси **Тангилова Назокат Қаюмовна**;
4. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Муҳандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 301–КТ(МКК) гуруҳ талабаси **Нурманова Махфуза Ўразовна**.

Эшитилди:

Институт Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Академик Т.Ш.Ширинқулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан **академик Т.Ш.Ширинқулов номли стипендияга 2013-2014 ўқув йили учун қуйидаги тўрт нафар талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:**

1. “Архитектура” факультетидан “Касб таълими (Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси)” 301-гуруҳи талабаси **Рустамова Дилбар Ёрмаматовна;**
2. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Муҳандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(МКҚ) гуруҳи талабаси **Ғаниева Дилнора Умирзақовна;**
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Менежмент” таълим йўналиши 301–менежмент гуруҳи талабаси **Қўлдошева Зебо Холжигитовна;**
4. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиш 402–КТ(БваИК) гуруҳи талабаси **Бахриддинова Нафиса Камолжонновна.**

Ушбу масала буйича факультет деканлари сўзга чиқиб, номзодлар тўғрисида ижобий фикрлар билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Академик Т.Ш.Ширинқулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ 2013-2014 ўқув йили учун ушбу стипендияга қуйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансин:

1. “Архитектура” факультетидан “Касб таълими (Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси)” 301-гуруҳи талабаси **Рустамова Дилбар Ёрмаматовна;**
2. “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Касбий таълим (Муҳандислик коммуникациялари қурилиши)” таълим йўналиши 401–КТ(МКҚ) гуруҳи талабаси **Ғаниева Дилнора Умирзақовна;**
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Менежмент” таълим йўналиши 301–менежмент гуруҳи талабаси **Қўлдошева Зебо Холжигитовна;**
4. “Қурилиш” факультетидан “Касбий таълим (Бино ва иншоотлар қурилиши)” таълим йўналиш 402–КТ(БваИК) гуруҳи талабаси **Бахриддинова Нафиса Камолжонновна.**

II. Катта илмий ходим-изланувчиларнинг фаолияти тўғрисида.

Эшитилди:

Институтда фаолият олиб бораётган **8 нафар** катта илмий ходим-изланувчиларнинг илмий тадқиқот ишларининг бажарилиш ҳолати муфассал ўрганилганлиги ва ушбу ўрганиш жараёнида диссертация ишларининг ҳимояга тайёрлик даражаси *Файзуллаева Нодира Найимовна* (80%), *Айматов Анварбек Абдихолиқович* (60%), *Холияров Эркин Чоршанбиевичларда* (60%) **қониқарли** бўлиши билан бир қаторда, *Убайдуллоева Наргизахон Мусахоновна* (50%), *Жиянов Турсуннўлод Ортиқович* (60%), *Клеблеев Артур Эдуардовичлар* (60%) эса **паст** кўрсаткичларни қайд этишганлиги, ўқиш муддати тугаган *Раззақов Нўмонхон Саидмахсудович* (78%), *Негматов Дилишод Замоновичларни* (75%) ҳимояга чиқа

олмаслиги маълум бўлганлиги ва улар режадан ортда қолганликларини ҳисобга олиб мазкур катта илмий ходим-изланувчилардан 6 ой муддатда ҳимояга (2014 йил июн ойигача) чиқишлари учун **кафолат хатлари** олинганлиги ва уларнинг илмий маслаҳатчиларига нисбатан расман **огоҳлантиришлар** берилганлиги тўғрисида институт илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаков**нинг танқидий ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “**Катта илмий ходим-изланувчиларнинг фаолияти тўғрисида**”ги масала юзасидан институт илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаков**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчиларнинг ўз вақтида диссертация иши ҳимоясига чиқишлари таъминланиши белгилаб қўйилсин. **Масъуллар:** Катта илмий ходим-изланувчилар ва уларнинг илмий маслаҳатчилари ҳамда илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **У.А.Хушвақтов**.
3. Якка тартибдаги режаларини бажармаган ва ҳимоя муддатигача диссертация ишларини тайёрламаган катта илмий ходим-изланувчиларга ва уларнинг илмий маслаҳатчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги Низомнинг 35 ва 36- бандлари асосида чоралар кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **У.А.Хушвақтов** ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчи **Б.М.Бўриев**.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш илмий ишлар проректори **Э.Х.Исаков** зиммасига юклатилсин.

Кун тартибдаги ҳар хил масалаларни кўриш учун сўз Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**га берилди.

III. Монографияни чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.

Эшитилди:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори **Ш.Аҳадов** ва “Касбий таълим” кафедраси ассистенти **Ф.Ш.Аҳадов** билан ҳаммуаллифликда яратилган *“Миллий мафкура руҳида мутахассис кадрлар тайёрлашда маънавий баркамол-комил инсонийлик мезонлари ва устоз-шогирд(пири-мурид)лик тамойилларининг роли ҳақида мулоҳазалар”* номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори **Ш.Аҳадов** ва “Касбий таълим” кафедраси ассистенти **Ф.Ш.Аҳадов** билан ҳаммуаллифликда яратилган *“Миллий мафкура руҳида мутахассис кадрлар тайёрлашда маънавий баркамол-комил инсонийлик мезонлари ва устоз-шогирд(пири-мурид)лик тамойилларининг роли ҳақида мулоҳазалар”* номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори **А.С.Уралов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектураси ва дизайнини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори **А.С.Уралов** томонидан яратилган **“Ўзбекистон қишлоқларида ландшафт архитектураси ва дизайнини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

Эшитилди:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти в.б. **Д.Камолова** томонидан яратилган **“Световая архитектура историко-архитектурных памятников Узбекистана”** номли монографиясини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси доценти в.б. **Д.Камолова** томонидан яратилган **“Световая архитектура историко-архитектурных памятников Узбекистана”** номли монографиясини чоп этишга тавсия берилсин.

IV. Талабалар турар жойи учун тўлов пулларининг миқдори ҳақида.

Эшитилди:

Институтнинг талабалар турар жойида яшовчилар учун тўлов пуллари талабалар ва магистрантларга бир ойлик тўлов **19800 (ўн тўққиз минг саккиз юз) сўм**, Академик лицей ва касб ҳунар коллежларидан малака оширишга келган тингловчиларга бир ойлик тўлов **75000 (етмиш беш минг) сўм**, меҳмонларга бир кунлик тўлов **5000 (беш минг) сўм** ва бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ҳамда уларнинг раҳбарларига бир кунлик тўлов **2500 (икки минг беш юз) сўм** этиб белгилаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу масала бўйича институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори **Ғ.Х.Яхшибоев**, молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** ва ходимлар ва талабалар бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси **М.С.Махамматовлар** сўзга чиқиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Талабалар ва магистрантлар учун Талабалар турар жойида яшаш муддати **10 (ўн) ой** этиб белгилансин.
2. Талабалар ва магистрантларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2013 йилнинг 1 сентябридан **19800 (ўн тўққиз минг саккиз юз) сўм** этиб белгилансин.

3. Академик лицей ва касб ҳунар коллежларидан малака оширишга келган тингловчиларга талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2013 йилнинг 1 сентябридан **75000 (етмиш беш минг) сўм** этиб белгилансин;
4. Меҳмонларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2013 йилнинг 1 сентябридан **5000 (беш минг) сўм** этиб белгилансин;
5. Бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ва уларнинг раҳбарларига институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2013 йилнинг 1 сентябридан **2500 (икки минг беш юз) сўм** этиб белгилансин.

V. “Polyglot” хорижий тилларни ўқитиш маркази Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

“Тилларни ўрганиш” кафедраси негизида ташкил этилиши режалаштирилган **“Polyglot”** номли хорижий тилларни пулли ўқитиш марказининг **Низомини** тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низом институтнинг режа-молия бўлими ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчи билан келишилган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Тилларни ўрганиш” кафедраси негизида ташкил этилиши режалаштирилган **“Polyglot”** номли хорижий тилларни пулли ўқитиш марказининг **Низоми** тасдиқлансин.

VI. Кафедранинг илмий-тадқиқот мавзусини тасдиқлаш тўғрисида.

Эшитилди:

“Касбий таълим” кафедраси мудир А.Қ.Рахимовнинг 2013-2014 ўқув йили давомида кафедрада куннинг иккинчи ярми ҳисобидан бажариладиган **“Бино ва иншоотлар, уларнинг қурилмаларини конструктив-бадий лойиҳалаш ва касб таълими муаммолари”** номли илмий-тадқиқот мавзусини тасдиқлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу илмий-тадқиқот мавзуси институтнинг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими билан келишилган.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Касбий таълим” кафедрасининг 2013-2014 ўқув йили давомида кафедрада куннинг иккинчи ярми ҳисобидан бажариладиган **“Бино ва иншоотлар, уларнинг қурилмаларини конструктив-бадий лойиҳалаш ва касб таълими муаммолари”** номли илмий-тадқиқот мавзуси тасдиқлансин.

VII. Илмий маслаҳатчини тайинлаш тўғрисида.

Эшитилди:

“Қурилиш конструкциялари” кафедрасининг катта илмий ходим-изланувчиси **Наргизахон Мусохонова Убайдуллоеванинг** илмий тадқиқот

ишининг илмий маслаҳатчиси ўзгарганлиги сабабли, яъни Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори, техника фанлари доктори **Хуснитдин Ахрарович Акрамов**нинг ўрнига Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Био-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти, техника фанлари доктори **Улуғбек Фахриддинов**ни илмий маслаҳатчи этиб тайинлаш тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

“Қурилиш конструкциялари” кафедрасининг катта илмий ходим-изланувчиси **Нарғизахон Мусохонова Убайдуллоеванинг** илмий тадқиқот ишига Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Био-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти, техника фанлари доктори **Улуғбек Фахриддинов** илмий маслаҳатчи этиб тайинлансин.

VIII. Институт профессор-ўқитувчиларнинг рейтингларини тасдиқлаш ва базавий лавозим маошларини белгилаш тўғрисида.

Эшитилди:

Институт ректорининг 2013 йилнинг 6 июлдаги “Институт профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини аниқлаш ва базавий лавозим маошларини белгилаш тўғрисида”ги 206-у-сонли буйруғи билан тасдиқланган ишчи комиссия томонидан институт профессор-ўқитувчиларининг 2012-2013 ўқув йилида бажарган ишлари бўйича уларнинг рейтинг баллари аниқланганлиги (жадвал 1) ва профессор-ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларини белгиланганлиги (жадвал 2) тўғрисида ишчи комиссияси раиси **Х.Г.Хусанов**нинг ахбороти тингланди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институт профессор-ўқитувчиларнинг рейтингларини тасдиқлаш ва базавий лавозим маошларини белгилаш тўғрисида”ги масала юзасидан ишчи комиссияси раиси **Х.Г.Хусанов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институт профессор-ўқитувчиларнинг рейтинглари (жадвал 1) ва уларнинг базавий лавозим маошлари (жадвал 2) тасдиқлансин ва ушбу рейтинг баллари асосида **2013 йилнинг 1 ноябридан** профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига устама ҳақлари белгилансин. **Масъуллар:** Ишчи комиссияси раиси **Х.Г.Хусанов** ва режа-молия бўлими бошлиғи **А.Ҳ.Ражабов**.



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов